



**БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ**

**САМАРҚАНД 1992**

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎУРИЯТИ ОЛИИ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон олимлари тар-  
жиман ҳолида лавҳалар.

**Ботирхон ВАЛИХУЖАЕВ**

(Ҳаёти, илмий — мураббийлик фаолияти ва асарлари  
КЎРСАТКИЧИ)

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, филология фанлари  
доктори, профессор —

**Н. Ш. ШУКУРОВ,**

**Қ. Т. ТОҲИРОВ**

Муҳаррир: доц.

Тақризчи:

Филология фанлари доктори —

**Ш. К. ХОЛМАТОВ.**

Самарқанд 1992

Тузувчилар:

Ш. С. СИРОЖИДДИНОВ,  
Д. И. САЛОҲИДДИНОВА,  
Э. МУСУРМОНОВ.

Жумҳурият илмий — адабий жамоатчилиги таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни ўзбек классик адабиёти кафедрасининг мудирин, профессор ВАЛИХЎЖАЕВ БОТИРХОН НАБИРАХЎЖАЕВИЧнинг туғилган кунига 60 йил ва илмий — мураббийлик фаолиятига 40 йил тўлишини кенг нишонламоқда.

Шарқ мумтоз адабиётининг донишманди, йирик навойишунос, камтарин инсон ва мураббийнинг қутлуг тўйига, унинг адабиётшунослик фанини ривожлантиришдаги катта хизматларига юксак эҳтиром рамзи сифатида мазмунли ҳаёт йўли, ибратли илмий — мураббийлик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида маълумот берувчи ушбу камтарона кўрсаткични олимнинг азиз мухлисларига тақдим этиш лозим кўрилди.

## НУРЛИ ЧУҚҚИЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА...

Мўйсафид Самарқанднинг кўрама Регистон майдони тумонат одам билан гавжум. Ҳамма ўз ташвиш-тараддуллари билан банд... Фақат Чорсу савдо растасининг ташқи қиёфасида вазминлик ҳукмрон. У «Шердор» мадрасасининг ўзига ёндош ложувард деворлари-га нималарнидир уқтираётгандай... Инсон қафти чизиқлари мисол турли томонларга бошловчи йўллар Регистонга келиб бирлашади. Гўё ягона оқим—бош йўл вужудга келади. Жумбоқли тарихнинг шоҳиди бу қадим йўллардан не-не закийлар ўтишмаган дейсиз? Ҳа, уларда соҳибқирон Амир Темур, буюк алломалардан Улугбек Мирзо, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Аълоий Шоний, Фазлуллоҳ Абуллайсий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрори Валий, Алишер Навоий, Шайхим Сухайлий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари минглаб улуг инсонларнинг муборак қадамлари муҳрланган. Ер юзининг сайқали — нуроний ва навқирон Самарқанднинг кумуш сийнаси гул гунчасини эслатади. Очганинг сари сирлар хазинаси қалашиб келади. Тарих даракчиси—Регистонга уланадиган шарқона расталар, йўлақлар бағрида ҳам буюк аждоқларимизнинг табаррук ҳоки пойи қолган. Гавжум Самарқанд Регистонининг мағрибиди мўъжазгина тамошоҳона жойлашган. У Ҳазрат Алишер Навоий номи билан юритилади. Тамошоҳонадан шимолий-ғарбга қараб юрилса, қадимий Самарқанднинг Алишер Навоий йигит ёшида юрган йўлақлари бошланади. Дарвоқе, ана шу расталардан айна балоғат ёшидаги хушсурат Алишер ҳам юрганлар, фақеҳ Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг табаррук хонадонига қадам ранжиди этганлар...

Шилдираб сув оқаётган ариқ ёқалаб ётқизилган раvon йўлдан баланд қоматли, озгинроқ, ўйчан, нигоҳлари дилкаш ва самимий бир киши жадал юриб келмоқда. Унинг кийиниши одми. Ташқи кўриниши ортиқча салобатдан холи. Юзма-юз келган одамлар билан муомаласида табиий назокат мужассам. Сунъийликдан холи хоксорона рафторигина уни бошқа йўловчилардан ажратиб кўрсатади. Ҳамиша чуқур хаёл оғушида юрадиган, нигоҳлари зийрак бу инсон ҳозир нималар ҳақида ўйлаётган экан?! Кўп сонли шогирдларига Алишер Навоий ҳақида айтадиган сабоқи хусусида-ми? Ўҳтимол, у улуг ўзбек шоири ижодиётига доир номзодлик рисоласига нуқта қўйган навбатдаги шогирди тақдири устида бош қўтираётгандир! Вилоят, дорилфунун, кафедра, умуман маданий-адабий ҳаётга доир ташвишлар қамми?! Кичкина бўлсада, тоза гапи бор бўлган илмий мақола ёзиб, уни талабчан ўқувчилар имтиҳонидан ўтказишнинг ўзи бўлади-ми? Нашрга ҳозирланиши лозим матнлар, янги мақола ва рисолалар, тақриз ва дарслар, суҳбат ва нутқлар... Буларнинг барчаси фикрлашни, хаёл суриш, тафаккур қилишни тақозо этади. Ҳар бир ижодкор, олим ва санъаткорнинг изланиш-

ларида бош мавзу—ҳалқа бўлади. Ана ўша марказий масала унинг ҳаёлини ҳамшиша ўзига тортиб туради. Кўҳна шаҳарнинг Набера-хўжа Валихўжаев кўчасида истиқомат қиладиган бу донишманд инсоннинг илмий фаолиятидаги марказий нуқта эса Алишер Навоий ижодиетидир. Самарқандда бунёд этиладиган Навоийнинг уй—музейи, удуг ўзбек шоири қадамгоҳларига қўйиладиган ёдгорликлар, янги мақолалар... Буларни бекаму кўст уддалаш ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳамшиша барҳаёт руҳи олдидаги бурчдорлик олимдан шунини кутади. Яна устоди Воҳид Абдуллаевнинг (1912—1985) сафда йўқлигини билдирмаслик масъулияти ҳам унинг елкасида. Ахир, унинг ўзи «Маҳбуб ул-қулуб»га аталган дарсида шогирдларини шунга ўндаган, Алишер Навоийнинг қўйидаги байти мағзини чақишга даъват этган эди-да!

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг гавж ила.

1979 йилда таниқли тилшунос олим А. Рустамовнинг «Навоийнинг бадий маҳорати» номли мазмули асари босилиб чиқди. У ўз касбдошига китобини дастхат билан тақдим қиларкан, «олимларнинг ботири — Ботирхонга», — деб ёзган эди. Ўринли эътибор. Ботирхон Валихўжаев ўзининг ибратли инсоний қиёфаси, ёран тафаккури, чуқур илмий тадқиқотлари билан обрў—эътибор қозонди. Сўтмиш ёшни ўртада қолдирган олимни нирақат жумҳуриятимизда, балки унинг сарҳадларидан олисларда ҳам тан олишди. Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» ҳафтаномаси ўзининг 1982 — 1983 йиллардаги йигирма тўрт солида Ботирхон домланинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги мақоласини чоп этди. Мазкур ҳафтанома таҳрир ҳайъати ўз ироҳида «ушбу мақола ҳозиргача Шурани Ўзбекистонидан Бобур ва унинг асарлари ҳақида ёзилган мақолаларнинг энг тозаси ва энг муфассалидур», — деб ёзди. Мақола биринчи марта «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлик китобининг учинчи жилдида (42—88-бетлар) чоп этилган эди. Афғон адабиётшунослари уни ўқиган, мизкур тушгач, «Юлдуз»да нашр этиш учун тавсия қилинган. Илганувчан ва маҳсулдор олим учун бундан юсак мукофот бўлмаса керак. Сохта обрў ва шухрат чақининг ялт—юлтидай гап. Бир лаҳзада пайдо ва гоийб бўлади. Меҳнат заминидан турган обрў эса боқийдир. Йиллар ўтиши билан унинг қадри ёрқинроқ кўрина бошлайди. Ботирхон домланинг илм оламида қозонган эътибори, тадқиқотлари олган ҳаққоний баҳо ана ўшандай фидойилик маҳсулидир. Улар мангуликка, боқий умрга дахлдор. Унинг қаламидан чиққан, заковатидан нур эмган мақолалар адабиётшунослигимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Олим илмий қизиқишларининг қамров кўлами кенг, далиллари ишончли, мазмуни тегин. У — ўзбек ва форс-тожик адабиётлари тарихи, адабий алоқа ҳам ўзаро таъсир, бадий сўз санъатининг назарий муаммоларига доир жиддий илмий тадқиқотларнинг муаллифи. Ботирхон домладаги яна бир фазилатни ҳаёас билан қайд этгимиз келади. У ўзбек, тожик, рус тилларида бирдай фикрлайди, ширали, равон ёза олади. Устод — бағри кенг, эзгулик ва маърифат ёғдусига катта ишонч қўйган байналмилалчи олим. Уни ҳамшиша вазмин, ўйчан, ярим табассумли қиёфада учратиш бизга ҳузур бағишлайди. Устоднинг иссиқ чехрасидан зиё ва инсонийлик нури ёғи.

лади. Олимнинг ишхонаси ортиқча анжом ва ҳашамларга эга ҳолди. Ундаги явонлар ҳам камтарона. Аммо бу хонада катта маънавий бойлик мужассам: нодир қўлёзмалар, тошбосма наширлар, Шарқ халқлари адабиёти буюк сиймоларининг асарлари, хорижда басилган илмий китоблар, мажалла ва тўпламлар. Ботирхон домланинг ишхонасидан Алишер Навоий асарлари канда бўлган кун бўлмайди, десак, Сунга ишонинг. Чунки, қирқ йилдирки, у Алишер Навоий ҳақида ўйлайди, ёзади. Олим илмий режаларининг марказида ҳам ўша улуг адибнинг нуруний қиёфаси туради.

\* \* \*

Ботирхон домла Самарқанд шаҳрининг фарзанди. У ўн ёшида экан Улуг Ватан уруши бошланди. Қувноқ бўлалик ўрнини жиддий эгаллади. Халқнинг бошига тушган қуфат, очлик ҳижрон ва изтироблар уни ҳам ўз домига тортич. Меҳнат ва ўқишни ёйма-ён олиб борди. Бадий адабиётнинг сеҳрли оламига катта ҳавас қўйди. Ботирхон домла маърифатли хонадонда улғайди. Илк сабоқни онлада — ота-онасидан олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Наберахўжа Валихўжаев ўз фарзандидаги салоҳиятни вақтида илғади. Ўзида бўлган шеър завқини ўғлига ҳам юқтирди. Н. Валихўжаев (1894 — 1968) Самарқандда маориф равақини таъмин этишга умрини бағишлаган фидойи инсон эди. У узоқ йиллар математикадан сабоқ айтган. Аммо унинг шеърят билан машғулияти юрдаги жиддий тарихий-сиёсий ўзгаришларга қадар бошланди. Ўзбек ва тожик тилларида қалам юритди. Шеърларида «Хилъат» таҳаллусини қўллади. Унинг замондошлари ҳукмига ҳавола қилинган қалдирғоч тўртликлари 1916 йилга тўғри келади. У умрининг охиригача шеърят ва сўзшуносликни тарк этмади. Н. Валихўжаев Тожикистонда тайёрланган икки жилдлик ««Фарҳанги забони тожик» (Тојик тилининг изоҳли лугати) асарининг фаол муаллифларидан бири эди. Ботирхон домланинг волидаин муҳтарамаси — Ҳафизахон Тўрахўжа қизи (1897 — 1949) ҳам бадий қалом шайдоси эди. У айниқса, Ҳофиз Шерозий шеърятини завқ билан ўқир, унинг девонини қўлдан қўймасди. Ҳафизахон ая завқли ҳофизонлардан эди. Ота ва онадаги (Оллоҳ уларнинг охиратларини сבוד этган бўлсин) бу ноёб фазилатлар фарзанд табиатида тақомилига ета борди. Ботирхон домла ҳам зиёли бўлди. Нозикфаҳм сўзшунос — шеършунослик унинг бир умрлик машғулотига айланди. Инсонни улуглаш, қадрушунослик, замондошларига фақат яхшиликни раво кўриш, уларни ардоқлаш, шарқона одобни яшаш мазмуни билиш Ботирхон домлага ота-онадан юққан меросдир. Бундай фазилатлар шоир Хилъат ва Ҳафизахон аяда мўл бўлган. Улар азгулик уругини нафақат фарзандлари, балки кўп сонли шогирду маҳалладошлар дилига ҳам жо қилиб кетишган. Буғун улар самара бермоқда. Илдизи мустаҳкам бўлмаган дарахтнинг умри узоққа бормайди. Бу — баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсон табиати ҳам шунга монанд. Асоси суст, сохта муомала — муносабатнинг миси чиқади. Ботирхон домлада эса улар табиий, бетақрор. Ўша фазилатларнинг заминини биз Хилъатнинг мана бу сатрларида, деб биламиз:

Жавоно, панди пирон ҳалқаи гўши фаросат кун,  
Ба худ одобу меҳнатро сарахбори муҳаббат кун....

Адаб омӯз, назди аҳли дониш сар фуруд овар,  
Машав аз саркашони тунду бар хуби давомаат кун.

Жавоне з-ин насихат панд агар гирад, бикун таҳсин,  
Вагарна, Хилъато, ўро ба нокоми маломат кун.

Донишманд отанинг панду ҳикматларига амал қилган Ботирхон домла завол кўрмади. Обру — эътибор қозонди. Халқи, касбдошлари, шогирдлари назарига тушди. У филология фанлари доктори (1968), профессор (1971), Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1978), Жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), Шарқшунослар жамиятининг аъзоси (1983), Камол Хўҷандий академиясининг аъзоси, Самарқанд давлат дорилфунуни адабиёт кафедрасининг мудири (1974 йилдан ҳозирга қадар) каби кўплаб илмий даража, унвон ва лавозимларга сазовор бўлди. Оддий талабалардан бундай юксак чўққиларга чиқишнинг ўзи бўлмайди. Улар ортида фидоийлик, катта меҳнат ва сабру бардош бор. Энг муҳими, Ботирхон домла ўша унвону мукофотлар ортидан қувган эмас. Нопоклик, ноҳалоллик, хушомадгўйлик қилгани йўқ. Олимнинг ўзи ва хизматлари ҳақида баланд овозда гапирганини эшитган эмасмиз. Бошқа касбдошлари ҳам шундай. Мукофоту унвонлар эса Ботирхон домлани топиб олган...

\* \* \*

Луғатлар «сулола»нинг «авлод, авлод — аждодлар, бир авлоддан тарқалиб, бирин—кетин ҳокимлик қилган подшоҳлар сафи» каби маънолари борлигини қайд этилади. Даврлар ўтиши билан «сулола» сўзига муносабат ва унинг маъно қирралари ўзгариб борди. Бугун уни турли касбу ҳунарлар, илму адаб, санъат жабҳаларида қўллаш расмга айланди. Ботирхон домланинг ўзи жиддий тадқиқотлари туфайли самарқандлик Абулайсийлар хонадонининг етти асрлик фақеҳлик (ислом қонуншунослиги) мактаби намояндalари — сулоласи арбобларини аниқлашга эришди. Бас, шундай экан, биз бугун Ботирхон домланинг ибратли, ҳавас қилса аристулик оиласи ҳақида «муаллимлар сулоласи» иборасини ишлатишга тўла ҳақлимиз. Муаллимлик нони билан суяги қотган Ботирхон домла отанинг табаррук касбини улуглади. Ўзини шу соҳага бағишлади. Табиатан болажон, юрагида уларга сўнгсиз меҳр жўш урган Хадичахон Мулло Аминбой Бухорий қизи билан оила қурди. Чинакам ҳаёт ва меҳнат йиллари бошланди. Ҳазрат Алишер Навоий башорат қилганларидек:

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,  
Эмдики, илм ўлди амал айлагил.

Бу доно сатрлар мағзидаги маъно Ботирхон домла хонадонининг доимий йўлдоши бўлиб келди, десак хато бўлмас.

Улуғ Навоий асарларини ўқиш, улар ҳақида ёзиш ва сабоқ айтиш кифоя эмас. Шундай қилинганда, буюк бобокалон шоиримизнинг юқоридаги ўғитлари амалга ошмай қолган бўлур эди. Ботирхон домланинг бахти шундаки, ўша доно фикрларга амал қилди, турмушнини ҳам Ҳазрат Навоий кўрсатмалари асосида қурди. Илмни, «воситаи жоҳ (мол-мулк), амал, раёсат» билмади. Ўз ҳақига қаноатни буюк эътиқод даражасига кўтарди. Устоднинг фарзандларига муносабати бобида ҳам навоёна шоҳ йўлнинг амал қилганлигини кўрамыз. Маълумки, «Ҳайрат ул-аброр» дostonининг олтинчи мақолоти адаб баҳсига бағишланган, Буюк аллома

адаб қирраларини ёритар экан, ота-она, ва фарзандлар ўртасида кечини муқаррар бир қатор жараёнлар хусусида ҳам мушоҳада юртади:

Улча эрур тифлға шойиста иш,  
Билки кичикликда эрур парвариш...  
Бириси қўймоқлик эрур яхши от,  
Ким десалар етмагай андин уёт.

Ҳазрат Навоий ҳаққоний қайд этганларидек, бола тақдиридаги илк маросимлардан бири унга ном қўйишдан бошланади. Уша исми шарифнинг замирида эса ота-онанинг ширин орзулари яширин.

Биз Ботирхон домла болалари номини қайта-қайта ҳижжалаб, айтганларимизга яна бир қарра қаноат ҳосил қилдик. Олти фарзанд аксарияти номининг биринчи бўғини «фар» билан бошланади. Алишер Навоий асарларида эса шу бўғин билан ибтидо топувчи юзлаб ном ва сўзлар учрайди. Улуғ ўзбек шоири ўша калималар иштирокида гўзал шоҳбайтлар ҳам яратган:

Ахтаридин меҳрга фархундалик,  
Бадру ҳилол айлаб анга бандалик

Ёки:

Навоий, сўз айтурда фарзона бўл,  
Чу иш бошинга тушти мардона бўл.

«Фар» ва унинг аралашуви билан ҳосил бўлган сўз — номлар «порлоқлик, ҳашамат», шукӯҳ, безак, қадр—қиймат, иззат, гўзал, ёқимли, бахтиёр, қутлуғ, бахтли, улуг, муборак, поклик, хуш толеъ» сингари хилма-хил маъноларни ташийди. Уларнинг бири билан фарзандини атаган ота-онанинг олижаноб инсоний эзгу орзулари ҳақ ижобатга ўтди. Фарзандлар муносиб ном ва тарбияни оқладилар, ақлли, фаросатли муаллимлар, муаллималар бўлиб вояга етдилар. Бугунги кунда Фархундаю Фарруха рус тили ва адабиётидан, Фарзона тарих илмидан ёшларга сабоқ беради. Фарида руҳшунослик сирү асрорларини тадқиқ этиш билан банд. Фируз ва Фарзодлар аниқ фанларни танлашди. Бири физикавий қонуниятлар устида беш қотирса, иккинчиси математика амалиёти билан машғул. Йиллар шиддат билан оқиб ўтмоқдалар. Аммо уларнинг самарали, сермазмун кечаётгани мароқли. Қобил фарзандлар сафига умидли, аҳли солиҳ шоғирдларнинг қўшилиши ундан ҳам завқлидир. Ботирхон домла бу борада ҳам омадли мураббий. Ундаги ҳиммат, самимият, одиллик ва илм, истиқболга умид билан қараш фазилатининг ўзи бир ибратдир. Олим айни жабҳада ҳам Алишер Навоийнинг содиқ издоши. Илм ва амалиётни тенг тутати, бағри кенглик кўрсатади. Бугун Ботирхон домланинг фотиҳаси — мухалифлик (оппонентлик) саҳовати туфайли қирқлаб мутахассислар фан номзоди ва доктори илмий даражасини олиш бахтига муяссар бўлди. Устод адабиётшуноснинг бевосита раҳнамолигида унга яқин тадқиқотчилар ҳам шундай улуг илмий даражалар соҳиби бўлдилар. Булар ҳали марра эмас. Йиллар ўтади, рақамлар улканлаша боради. Чунки, Ботирхон домладан олимларда ҳиммат ва фидойилик мўл. Улар маърифат ёғдусини сочинш, одамларга яхшилиқ қилиш учун туғилгандай. Шундай инсонлар бор экан, илм олами завол кўрмайди, эзгулик ғунчалари япроқ ёзади, яшаш тўлиқ маъно касб этади... Китоблар,

мақолалар, шогирдлар — фарзандларнинг ҳам келиб қўшилиши, маънавий слам зеболигига улун қўшаётгани нақадар ҳузурбахш! Бугун муаллимлар сулоласига карвонбошилиқ қилаётган Ботирхон домлага ўилаб несараю абираларнинг дархоналарда одамийлик илмидан сабоқ айтишини тинглаш бахти муяссар бўлишига интилимиз кимил!

\* \* \*

Инсоннинг табнати ажиб бир мўъжизага ўхшайди. Уни тайёр қилишларга солишнинг иложи йўқ. Чунки ҳар бир шахс бош йўлга ўз йўлагидан кириб келади, Яхшими, ёмонми, қатъий назар. Ўз пайраҳасини солади, ҳаёт аталмиш катта уммонда ўз изларини қолдиради. Тарих ва тақдир синовларига дош беради. Ҳаётининг маъдум босқичларида ўзига сарҳисоб беради, навбатдаги ҳаракат режаларини тузиб олади. Шу тариқа, умр деган оғир карвон йиллар ва йўллар сша силкиниб, ҳаминша олға интилади. Олисда турган бир нур доимо уни ўзига даъват этади... Ботирхон домла ҳам ўша эзгулик, илм—маъруфат ёғдуси сари тинимсиз интилади. Олимни изланиш, янги-янги ниятлар бағрида қўриш бизга ҳузур бағишлайди. Унинг бундай рафтори галдаги парвоз олдида турган жасур бургут ҳаракатини эслатади. Устод қалам ва қоғоз билан сирлашади, ёвузликка қарши жанг очади, адабиётимиз тарихининг нурсиз саҳифаларига равшанлик киритади, шогирдлари учун янги, ҳали ҳеч ким айтмаган гап топади. Мутолаа, тафаккур уммонида сузиш, топилмаларини ақл тарозусида тортиш, ўзиш — булар Ботирхон домланинг ҳаракат дастуридир. Унинг сртда қолган изларига разм соларканмиз, қалбимиз беҳад ифтихор туйғуларига тўлади. Зукко мураббийга ҳавас ва ҳаяжон билан боқамиз. Унинг қўша-қўша китоблари саҳифаларида қолган навқирон ёшлигининг зое қетмаганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Қирқ йилга яқин ширин умр мазмуни шу асарларнинг ўзбеку тожик адабиётшунослиги хазинасига улун бўлиб қўшилганлиги бағоят қувончли ҳолдир.

Шарқ халқлари адабиёти тарихи билан шуғулланишни бўйнига олган тадқиқотчи олдида жуда кўп талаблар кўндалан бўлиб туради. Қадимий қўлёзмаларнинг инжиқликларига бардош бериш, илм билиш, ислом ва тасаввуф тарихидан, илмлар учлиги — илми аруз, илми қофия, илми бадойиъдан хабардорлик, энг муҳими, шу Ҷоҳага юксак меҳр билан қараш, назмий нозикликларни ҳис ата олиш... Ана ўша талаблар тақозосидан келиб чиққан ҳолда Ботирхон домланинг илмий фаолиятига назар ташланса, ижобий жавобларнинг қаторлашиб келиши намоян бўлади.

Орадан кечган қирқ йилга яқин давр давомида унинг ибратли инсоний фазилатлари, илм оламида эришган ютуқлари ҳақида қизгин муҳокама—мулоҳаза юритувчи бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинди. Олимнинг таржимаи ҳоли, асарларига бир маълумотлар Ўзбекистон ва Тожикистонда чоп этилган қомуслардан ўрин олган. Ботирхон домланинг эллик йиллик умр тўйи муносабати билан эълон қилинган мақолалардан бирида уқинимиз: «Ҳаминша тадқиқот иштиёқида ёниб янгилик илинжида паланиш Б. Валихўжаевни адабий манбалар, ҳодисаларни Урта ва Яқин Шарқ адабиётининг умумий контексти билан узвийликда

араш, ҳам матншunosлик, ҳам адабий—тарихий йўналиш ва ҳазор алоқа масалаларини чамбарчас боғлиқликда ўрганиш сари етади. Форс, араб, рус ва француз тилларини яхши билган олим овет ва чет эл тадқиқотчилари яратган ишлардан бохабар ҳолда қаҳон адабиётшunosлиги талабларидан келиб чиқиб, қиёсий мулоҳаза юритиш заминида сўз санъатининг ички хоссаларини очиб ўрсатишга муваффақ бўлади». Аслида Ботирхон домлари ҳақда ҳақол брў—эътибор келтирган, уни илмий жамоатчиликка таъитган оссий омиллар ҳам ана ўшалардир. Илмий ишда сонга маҳлиёик, маромига етмаган ҳар бир нарсани ўқувчи ҳукмига ҳазола қилиш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмаслиги тайин. Маҳулдорлик сифат ва савия билан эғизак келган жойдагина фаининг маълум тармоғи наф кўриши мумкин. Ботирхон домлаининг дуурида муқимлашган ақидаси ана шундай ва у ҳамтиша бунга аътий амал қилиб келади. Шунинг учун ҳам олим бисотида ҳайатангиз даражадаги босилган ишлар йўқ. Унинг салкам қирқ иллик фаолияти сарҳисоб қилинадиган бўлса, 200 дан зиёдрок илмий ва 250 дан ортиқ илмий — осмабон мақолаларни кўрсатиши мумкин.

Ботирхон домлаининг жумҳурият матбуотидаги қалдирғоч мақоласи 1953 йилда босилган. Олим гарчи бугун классик адабиёт утахассиси сифатида таъитилган бўлса-да, унинг катта майдондаги иринчи қадами Абдулла Қаҳҳор ижодиётига тегишли эди. 1954 йилда «Шарқ юлдуз» ойномасида босилган мақоласида эса озар биби Самад Вурғун адабий фаолияти ҳақида баҳс этади. Мазкур далилларни келтиришдан мурад рўйхатини бойитиш эмас. Балки азмундор асарларининг байналмилал моҳиятини таъкидлашдан боратдир. Тадқиқотчи ҳамон тожик, ўзбек, рус тилиларида озар, форс-тожик, туркман адабиётлари вакиллар ихусусида, уларнинг ўзбек адабиёти билан қардошлик алоқалари борасида донишмандлик билан касбдошларига манзур мақолалар ёзиб келади. Бир ўз билан айтганда, биродарлигимиз саҳифаларини янада нурлантиришга хисса қўшаётир.

Бадийи асар сингари илмий иш ҳам ўз муаллифининг фаринди қатерида туради. Ўзини дунёга келтирган ижодкор руҳи, қду заковати, тафаккуридан озиқланади. Бунёдкор қалбининг тафидан ҳарорат олади. Муаллифининг нимага қодир эканлиги унинг англарида намойён бўлади. Шу маънода, Ботирхон домла илний асарларида закий, кенг қамровли, чуқур мулоҳазали, одоб ижаск ва ўта андишали комил инсон ва тадқиқотчининг дилни шиймоси кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан унинг «XV — XIX асрлар ўзбек адабий — илқидий қарашлари тарихидан» сарлавҳали йирик илмий тадқиқоти катта аҳамият касб этади. Тан олмоқ даркор, мазкур асар ўз муаллифини илмий — адабий жамоатчиликка янада кенгрук таъиттирди. Фаннинг чинакам фидойиси, эътирофга молик салохият осси эканлигини намойиш қилди. Тадқиқот яхлит, якунланган, қлиқ хулосаларга бойлиги билан ҳам диққатни тортади. Унинг қувчи назарига тушадиган яна бир нуқтаси китобхонга тақдим қилган илмий умумлашмаларининг етарли адабий парчалар билан далилланишидадир. Олим юзлаб қўлёзма манбаларга мурос

жаат этади, саргайган саҳифалар бағридан маънавий жавоҳирот дурдоналарини излайди, уларни топади, сайқаллаб ўқувчиларга тухфа этади. Ўз ижодига таниқидий ёндашиб, ўзи ўзини таҳрир этиш, қўлга кирган муваффақиятлар доирасида чегараланиб қолмаслик чинакам ижодкор ва адабиётшунос учун ноёб фазилатдир. Шундай неъмат Ботирхон домлада ҳам кузатилади. Олимнинг зикр этилган рисоласи 1964 йилда таъъга етган эди. Ўшанга ҳам ўттиз йил тўлай деб қолди. Бироқ Ботирхон домла мавзу билан хайрлашмади, янада жиддийроқ шуғулланди, тоза далилу маълумотлар тўплади, фикрларини «балоғат чиғирғи»дан ўтказди, рисола сайқал топди. Мазкур асар яқинда «Ўзбекистон» нашриётида салмоқли ҳажм (12 босма табоқ) ва нусхада босилиб чиқади.

Ботирхон домланинг илмий кузатишларида ҳалоллик, холисона ва бегараз мушоҳада юритиш майли баланд туради. Олимнинг қайси бир мақоласини қўлга олманг, унда таҳлилги тортилган мавзунинг ўрганилиши тарихига мурожаат қилинганлигининг шохиди бўласиз. Тадқиқотчи ўтмишдошлари томонидан амалга оширилган ишларни эринмай йиғади, мазкур мақолаларни синчковлик билан ўрғанади, тасниф этади, ютуқ ва нуқсонларини мулоҳимлик ва одоб доирасида айтади. Бундай мураккаб таҳлил жараёнининг илм учун қиммати нимада? Савол ўринли. Эслатилган ўрганиш услубининг қиммати эса бор. Ўтмишдошлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда ҳал этилган масалалар занжирининг ойдinлаштирилишини кўрсатиш билан бирга, ёритилиши зарур бўлган мавзуларни кўндаланг қилиб қўяди. Фақат шугина эмас. Маълум миқдорда мақоладан мақолага кўчиб юрвчи қарашлар, хулоса ва мулоҳазалар йўлини тўсиш имконияти туғилади. Яна адабиётшунослик оламида ўзаро ҳурмат, авлодлараро тарафайн самимият туйғусини шакллантириш, ҳар бир тадқиқотчига сарфлаган хизматига яраша тош қўйиш имкониятини ҳозирлайди. Таассуфки, кейинги йилларда бундай изланиш услуби «Қизил китоб»дан жой олиш арафасида турибди...

Ботирхон домланинг мурғак қалбига Алишер Навоий маънавий меросига бўлган садоқат Хилъат ва волидан муҳтарамасининг шеърӣ қироатлари орқали сингган. Бу гапни Шарқ шеърӣяти, қадимий қўлёзмалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чунки, шоир ва олим халқининг бисотидаги катта бойлик китобдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин!? Хилъат ҳазинасида ҳам яна шундай дурдоналар — нодир қўлёзма китоблар талайгина бор эди. Улар ота мерос сифатида Ботирхон домлада қолди. «Зар қадрига заргар этади», — дейди донишманд аждодларимиз. Хилъатнинг бахти ва заковати шундаки, бош ўғил дилда ўша ноёб асарларга бўлган чексиз иштиёқ, адабиётсеварлик завқини пайдо қила олди. Фарзанд камолини кўриш, унинг докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақидаги хушхабарни эшитиш отага насиб этди... Ботирхон домла Алишер Навоий асарларини эски ўзбек ёзувида ўқиб саводини чиқарган Унинг иш мизиди ҳамон саргайган саҳифалар, биз унутишга улгурган ёзувдаги китоблар саф тротиб туради. Олимнинг яна бир бебаҳо хазинаси бор. Бу Ҳазрат Алишер Навоий номидаги дорилфунун кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлиминдир. Ботирхон домла бу мулк оталигини жамоатчилик асосида ўз зиммасига олган. Уни янада бойитиш, мавжуд қўлёзмаларини

майлаб асраш, улар кўрсаткичини тузиш ва нашр этиш. Фидойи олим ўхдасида. Бу даргоҳдаги анчагина кўҳна китоблар Алишер Навоийнинг асарларидир. Уларнинг меҳриғиёси зукко олимни чорлайди, унга зарофат бағишлайди.

Мазмулли китоб офтобдан узилиб тушган тарам ёгдуга ўхшайди. Қўёш нури башарият йўлини мунаввар этса, яхши китоб ҳазрати инсон қалбида маърифат машъалини ёқади, унинг онғи, шуури ва тафаккурига ноёб жавоҳирот, эзгулик, поклик қўшади ва истиқболга ундайди. Ҳассос тадқиқотчи Ботирхон домланинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» асари ўшандай гўзал фазилатли китоблар сирасига киради ва кўп сонли ўқувчилар диққатини ўзига жалб этди. Мазкур рисола олимнинг йиллар давомида олиб борган машаққатли илмий кузатишларининг ҳосиласидир. Шундай гапни академик В. Абдуллаев билан ҳамкорликда яратилган «Асрлар нафаси», «Мирий ва унинг замондошлари» хусусида ҳам айтиш жоиздир.

Шунинг учун олимнинг қалбидан қўр, тафаккур чашмасидан нур эмган мазкур асарлар китобхон қалбида янги олам кашф этади, унинг фикр оламини янги билим дурдоналари билан бойитади. Парқ халқлари адабиёти тарихи тўғрисидаги тасаввури уфқларини б. ридан анча кенгайтиради, тиниқлаштиради.

Ботирхон домланинг «Мирий ва унинг замондошлари», «Муҳаққиқи бузурги ду адабиёт» (Душанбе — 1987), «Навоий ижоди — илҳом манбаи», «Эзгулик — умр мазмуни» каби ҳаммуаллифликда яратилган китоблари ҳам адабиётшунослигимиз хазинасига қўшилган бебаҳо дурдоналардир.

Сўз ва сўзшунослик — олий неъмат. Уни хунар даражасига кўтарган олган инсон эса улуддир. Эро, Ҳазрат Навоий ҳам бу ноёб фазилатни юксак ардоқлаганлар:

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,

Гулшани одам самари сўз дурур.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,

Яхши керак кўнглида андешаси.

Навҳари йўқ сўздан не фойда? У кимга манзур бўлиши мумкин? Модомики, сўз гавҳар экан, у инсониятга наф келтириши, унинг умр йўлини нурлантириб туриши керак. Ботирхон домла ўзини ҳаминша анг шу йўлда камарбаста деб билади. Эли, адабиётига, умуман, маънавиятга манфаати тегадиган асарлар яратиш орузи эса уни юксак уфқларга чорлайди.

\* \* \*

Улуг Алишер Навоий таваллудининг беш ярим асрлик тўйи келиб бўлди. Аммо мўлжалланган тўёнлар ўрта йўлда қолди. Улуг ўзбек шоири мукаммал асарлари 20 жилдлигининг эндигина таққис жилди китобхонлар қўлига етди. Бундай аҳвол навоийшуносликнинг талай мавзу ва муаммоларига ҳам тааллуқлидир. Адабиётшунослик юкини елкага олган барча ёш авлодга манзур тадқиқотларини мазкур ҳолат ҳушёр тортирмоғи, ишга жиддийроқ киришишига ундамоғи лозим...

Шу нуқтан назардан Ботирхон домланинг фаолиятига раъм соламиз. Қалбимиз ифтихор туйғуларига тўлади. Устоз олим ҳа-

мон фаоллик жиловини қўлдан бергани йўқ. 1990 ва 1991 йилнинг боши билан унинг ўйлаб жиддий мақолалари «Ўзбек тили ва адабиёти», «Мулоқот» ойнамалари, рўзнома, ҳафтаномаю тўп-ламларда чоп этилди. Илк бор тажриба сифатида яратилаётган «Навой қомуси» учун биринчилардан бўлиб талайгина мақола-ларни ёзиб беришга улгурди. Шарқшунослар уюшмасининг аъзоси, маданият жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг раиси, Самарқанд вилоят халқ дорилфунунлари кенгашининг раиси... Ҳали булар ҳаммаси эмас. Яна қанчадан қанча жамоатчилик асосидаги ишлар турибди. Булардан анчагинаси академик Воҳид Абдул-жаев зиммасида эди. Бугун улар шгонрдга кўчди. Ростини айтган-да, устознинг йўқлиги ҳар қадамда ўзини кўрсатиб турибди. Қани, энди, устоз ҳаёт бўлсалар-у, бу улуг ишларга бошчилик қил-салар эди! Устознинг йўқлигини билдирмаслик эса ҳам фарз ва ҳам қарз. Ботирхон домла бу ақидани дил тубига мустаҳкам ўр-наштириб қўйган. Фақеҳ Фазлуллоҳ Абуллайсий гузарига қад кў-тариши лозим бўлган Алишер Навоий уй—музеи биносининг қу-рилишини тезлаштириш, бўёғини қуриштиб, жиҳозлаш, меҳмонлар-ни қабул қилиш зарур. Аслида режалар бирданга пайдо бўлгани йўқ. Олим айни масалаларни анча илгари ўйлаган мақоаларида акс эттирган эди. Жумладан, унинг 1988 йилнинг 9 февралари му-носабати билан вилоят рўзномасида чоп этилган мақоласида ўқиймиз: «Маълумки, Алишер Навоий Самарқандда 3 — 4 йил яшаб ижод этди. Кейин ҳам бу шаҳар билан алоқасини узмади, уни доим эслди. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Самарқанд-да, хусусан, Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасаси жойлашган Фақеҳ Абуллайс маҳалласида Навоий музейини ташкил этиш масаласи-ни яхшироқ ўйлаб кўриш даркор. Бу музейда «Навоий ва Самар-қанд», «Навоий ва Абуллайсийлар хонадони», мавзуи кенг ёритилса, умуман, Самарқанд ва Навоий билан боғлиқ мавзу — Самарқанднинг новийшунос олимлари, рассомлари, муғанний ва хонандалари, Самарқандда Навоий номи билан аталган жойлар тари-хи, шоир анъаналарини давом эттирган самарқандлик ижодкорлар, «Навоий асарлари Самарқанд сахналарида» каби масалалар ҳозирги замон талаблари асосида намойиш этилса, мутафаккир туғилган куннинг 550 йиллигига арзигулик бир совға бўлур «ди». Урфияда яхши гапга «фаришталар омин». — деган дейди нақл бор. Халқлик ва эзгулик яшаш тарзи бўлган Ботирхон домланинг бу ажойиб ният-лари жумҳурият ҳукумати қулоғига етди..... Режалар алақачон белгиланган, ин бошида Ботирхон домла фидойилик кўрсатмоқда. Унинг «Абуллайсийлар хонадони» сарлавҳали туркум мақоалари, «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари» харитаси барпо этилажак музейнинг қалдирғоч кўргазмаларидир. Олимнинг Самар-қанднинг Алишер Навоий тақдирида ўчмас из қолдирган ўша табаррун хонадон ҳақидаги мақоласида яна бир ширин орзу ўз ифодасини топган. Унда ўқиймиз: «Бу хонадоннинг ана шундай хизматларини ардоқлаш мақсадида, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг муносабатларини бадий гавдалан-тирувчи обида — ҳайкал яратиб, у Фақеҳ Абуллайс маҳалласида қўй-илса; Абуллайсийлар хонадони тарихини ёритувчи музей ташкил этилса, нур устига нур бўларди...» . Олим шурида сайқалланиб,

нинг қаламидан жило топган бу жумлаларни ўқиб, бехиётёр хаёлга  
толсан, киши. Ҳазрати Алишер Навоийнинг

Бу гулшан ичраки йўқту бақо гулшга сабот,

Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик билга оғ

Сатрларидаги умрбоқий мазмунни Ботирхон домла ўзининг ҳаракат  
дастури қилиб олганига қаноат ҳосил қилгимиз.

Ботирхон домла — катта олим. Она табиат уни гўё нуқул ўқини,  
ёзиш, изланиш учун яратгандай. Унинг кунлик фаолиятига юқорида-  
дагилар билан бирга шоғирдларига дарс айтиш ҳам қўшилади.  
У ҳаминча режалар бағрида яшайди. Тинимсиз ёзади, аммо нашр  
ишига шошилмайди. Ботирхон домланинг имконият ва имтиёзлари  
улкан. Аммо у ўшаларни пеш қилиб идорама-идора юришни хуш  
қўрмайди. Олим билан мулоқот бизга маънавий завқ беради, унинг  
галдаги режаларидан хабар топамиз. Ботирхон домла Аҳмад Ҳожи-  
бек девонини изламоқда. Бу ширинсўхан шоирнинг Алишер Навоий  
билан ижодий алоқаларини бафуржа ёритиш навоийшунсоликдаги  
бўшлиқлардан бирини тўлдиреди. «Девони Фоний»нинг наشري ва  
ўрганилиши замон талабларига мувофиқ эмас. Бу ишга янги тил ва  
янги адабиётдан хабардор олимлар киришсалар, адабиётшунослик  
манфаат қўради. Буни яхши ҳис этган Ботирхон домла мазкур мавзу-  
ни ҳам ўз назоратига олган. Олим фикрини тортган масалалардан яша  
бири «Девони Фоний»да бўлган татабуотнинг унинг туркий тилдаги  
меросида кузатилмаслигини. Чиндан ҳам татабуот ҳодисаси навоий-  
шуносликдан янгича муносабат ва таҳлил кутади. Навоийшунос-  
лик тарихи, етук навоийшуносларимиз қолдирган маънавий мерос  
ўз баҳосини олмоғи зарур.

Олим тадқиқотлари замирида бўлиқ бир ҳалқа вужудга келди.  
Бу Хожа Аҳрори Валии шахсияти ва таълимотига муносабат ҳалқа-  
сидир. Ботирхон домла ғоят савоб ишга қўл урди. Унинг дастлаб-  
ки кузатишлари «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномаси, «Мулоқот»  
ойномасида эълон қилинди. Хожа Аҳрор баҳосига доир ахлит ва  
мазмундор китоб дунёга келди. Саккиз босма тўбоқ ҳажмидаги бу  
гўзал рисола Ботирхон домланинг балоғат белидан томчилардир.  
Асар яқинда Самарқанддаги «Зарафшон» нашриётида рўшно-  
лик кўради.

Ботирхон домла азал-азалдан бир қавм, бир қариндош бўлган  
икки — ўзбек ва тожик халқлари маънавий балоғати йўлида ба-  
ғракали хизмат қилмоқда. Унинг уч шоғирди ана шу икки адабиёт,  
уларнинг робиталарига доир илмий тадқиқотларини катта имти-  
ҳондан ўтказишди. Тожик адабиётшуноси проф. Р. Мусулмонқу-  
лов ҳаққоний ёзганидек: «Проф. Б. Валихўжаев кўп сонли шо-  
ғирдларнинг устози, адабиёт тарихи қадимий қатламларининг  
тадқиқотчиси сифатида XX аср маданияти тарихига кирди». Ҳа,  
бу шунчаки эътироф эмас. Ҳақиқатни, ҳақни айтмоқдир. Ботир-  
хон домла ибратини илм оламига киритишни қўллаб — қувва-  
лашдир. Устоз адабиётшунос, айни жабҳада ҳам мавжуд анъана-  
ларини янада такомилга етказмоқда. У бугунги кунда ўзбек то-  
жик тилларида дёрли тенг ижод қилаёттир, дейилса, сира мубо-  
лага бўлмайди. Кейинги йилларда олимнинг даврий матбуотда  
босилаётган ишлари бизнинг фойдамизга хизмат қилади. Яна  
яқоийб бир хушxabарни айтгимиз келади. Ботирхон домла ўзи-

нинг олтинчи йиллик тўйига тўрт тухфа — китоб билан келди. Унинг «Чакидаҳон қалам» («Қалам томчилари») сарлавҳали мақолалар тўплами мустақил Тожикистон давлатининг «Адиб» нашриётида ёруғ дунё юзини кўрди...

Ботирхон домла ўз илмий фаолиятдан ҳеч қачон қириққан эмас. У ҳамisha изланади, янги истиқболларга интилади. Илмнинг сабт этилмаган чўққилари сари собит ҳаракат қилади. Самарқанд ҳамда ҳамisha барҳаёт Алишер Навоий руҳи уни тиниб — тинчимасликка даъват этади. Падари бузруквори, маърифатпеша Хилъатнинг мана бу сатрлари ҳам уни зиё ва эзгулик қутбларига, сабт этилиши муқаррар бўлган нузли чўққиларга ундайди:

Навжавоно, қоматат сарви хиромон бинамат,  
Дониш омўзи фунуну аҳли ирфон бинамат.  
Хилъато, ҳиммат насиби навжавонон фатҳ бод,  
Беси аз ин маъмуртар ин мулки даврон бинамат..

Сайдулла МИРЗАЕВ,  
Раҳим ВОҲИДОВ,  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ.